



МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ҚАМРОВИНИ ОШИРИШ ЧОРАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев
мактабгача таълим тизимини
такомиллаштириш бўйича таклифлар
тақдимоти билан танишди.**

Бугунги кунда мамлакатимизда 30 мингга яқин мактабгача таълим ташкилотларида 2 миллиондан зиёд ўғил-қиз тарбияланмоқда. Сўнгги беш йилда 422 та давлат боғчаси қурилиши ҳамда 21 мингдан ортиқ нодавлат муассасалар очилиши ҳисобига 1 миллион 200 минг ўрин яратилган. Тизимга болаларни қамраб олиш кўрсаткичи 72 фоизга етган.

Шу билан бирга, жойларда ўтказилган очик мулоқотларда аҳоли боғчаларни янада кўпайтириш истагини билдирган. Шунга асосан, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги томонидан мактабгача таълим жараёнини янги тартибда ташкил этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Тақдимотда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш, боғчаларда сифат ва қамровни ошириш, бу борада илғор

хорижий тажрибаларни жорий қилиш чоралари ҳақида ахборот берилди. Хусусан, аҳолиси зич ёки қамров кўрсаткичи паст бўлган ҳудудларда янги давлат боғчалари қурилади ҳамда хусусий сектор кенгайтирилади. Кам қувватда ишлаётган мактабларда тайёрлов гуруҳлари ташкил этилади.

Давлатимиз раҳбари бу соҳа аёлларга енгиллик яратиш ва фарзандлар тарбиясида муҳим эканига алоҳида эътибор қаратди.

Мутасаддиларга таълим сифатини яхшилаш, дастурларни такомиллаштириш, давлат-хусусий шериклик муносабатларини янги босқичга кўтариш юзасидан кўрсатмалар берилди. Мактабгача таълим қамровини кенгайтириш бўйича беш йиллик дастур ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

ЎЗА

Ўзбекистон — ЕТТБ: ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК, САМАРА ВА ИСТИҚБОЛ



ХАЛҚАРО АНЖУМАН



Қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳри яна бир нуфузли тадбирга мезбонлик қилмоқда. Бу ерда 16-18 май кунлари Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) Бошқарувчилар кенгашининг 32-йиллик йиғилиши бўлиб ўтмоқда. 16 май куни “Барқарорлик учун сармоя киритиш” мавзусидаги анжуманнинг илк куниди қатор тадбирлар ўтказилди.



Уч кун давом этиши режалаштирилган тадбирда 73 давлатдан 2 мингдан ортиқ меҳмон, жумладан, хорижий ҳукуматлар вакиллари, транснационал корпорациялар, халқаро молия институтлари ва банклари раҳбарлари, иқтисодиёт, инвестициялар, молия ва технология соҳасидаги экспертлар, етакчи хорижий ОАВ ходимлари иштирок этмоқда.

ЕТТБ Бошқарувчилар кенгашининг 32-йиллик анжумани дастурига мувофиқ, Халқаро туризм марказида ўтказилган дастлабки тадбир — донорларнинг “Барқарорликни ошириш учун донорлар билан ҳамкорлик” мавзусидаги йиллик йиғилишини ЕТТБ президенти Одиль Рено-Бассо очиб берди.

Ёпиқ сессия тарзида режалаштирилган ушбу йиғилиш ЕТТБ фаолияти йўлга қўйилган барча мамлакатларда аҳоли турмуш тарзини яхшилашга қаратилгани, банк ваколатини бажаришга йўналтирилган ишларнинг изчил, узоқ муддатли ва ажралмас қисми экани билан аҳамиятлидир. Йиғилишда иштирокчилар 2022 йилдаги ҳамкорлик натижасини кўриб чиқди, минтақаларга таъсир кўрсатаётган мавжуд муаммоларни ҳал этиш бўйича биргаликдаги чоралар таҳлил қилинди.

▶ Давоми 3-бетда



ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФИДАН СЎНГ

ЧИРОЙ ОЧАЁТГАН ОБОД МАНЗИЛЛАР

**маҳалланинг кўрки, аҳолининг
ифтихорига айланмоқда**



Бугун ҳар қадамда юртимиздаги янгиланиш, ободлик ва тараққиётга гувоҳ бўляпмиз. Халқимизнинг сифатли таълим олиши, меҳнат қилиши, мазмунли ҳаёт кечириши йўлида қилинаётган барча саъй-ҳаракатлар фақат битта мақсадга — одамларнинг розилигига эришишга қаратилган. Ёшлар бандлигини таъминлаш, яшил ҳудудлар ва аҳоли учун дам олиш масканлари барпо этиш, замонавий ва сифатли уй-жой билан таъминлаш борасидаги ишлар эътирофга муҳтож эмас. Барпо этилаётган янги марказлар, чирой очаётган маҳаллалар, қулайлик ва шароитлар одамларнинг бугунги кундан кўнгли тўқ, фаровон ва осойишта умр кечиришига хизмат қилаётир.

▶ Давоми 2-бетда



ДОЛЗАРБ МАВЗУ

Ҳаёт ҳар доим ҳам бир текис кетавермайди. Унинг турли синовлари бор. Ана шу синовлар инсонни қийин аҳволга солиб қўйиши, кимдир ишсиз, бошқаси уйсиз, яна кимдир ногирон бўлиши мумкин. Шундай паллада у маънавий қўллаб-қувватловга, оз бўлса-да қўмакка муҳтожлик сезади. Шу жойда айнан давлат ҳар бир фуқароси эътиборда эканини амалда кўрсатиши керак.



КАМБАҒАЛЛИК КУШАНДАСИ

**Тадбиркорлик ривожини кўплай
масалаларга ечим бўлади**

Ўзбекистон — инсонпарвар давлат. Бугун юртдошларимиз орасида ижтимоий адолатни ўз ҳаёти мисолида ҳис қилганлар кам эмас. Инсон манфаатлари, муносиб турмуш шароити яратиш ислохотларнинг энг устувор йўна-

лишларидан бирига айланган. Унинг самараси бугунги кунда одамлар ҳаётида рўй бераётган ўзгаришларда яққол кўзга ташланмоқда.

▶ Давоми 4-бетда



17 МАЙ — ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ШОИРАСИ ҲАЛИМА ХУДОЙБЕРДИЕВА ТАВАЛЛУДИ КУНИ



ҚАНЧА ШОНИНГ БЎЛСА — Ватанни кўтар!

Ҳар йили 17 май санаси яқинлаша бошласа, шоира дугоналарим билан устоз Ҳалима Худойбердиевани қутлагани боришга шайланардик. 9 қаватли ётоқхонанинг 9-хонасида дугоналаримни интиқлик билан кутиб турар, улар жўр бўлиб чақирганда довлига гўё учиб тушардим.

▶ Давоми 6-бетда

ЎЗБЕКИСТОН — ОЗАРБАЙЖОН МУНОСАБАТЛАРИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИЛГАНИ ҚАЙД ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева Озарбайжон Республикасига ташрифи давомида ушбу мамлакат Президенти Илҳом Алиев билан учрашди.

Президент Илҳом Алиев Ўзбекистон делегациясининг Озарбайжоннинг буюк фарзанди, атоқли давлат ва жамоат арбоби Ҳайдар Алиев таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан Озарбайжон Республикаси Миллий Мажлиси-

нинг навбатдан ташқари йиғилишида иштирок этаётгани, ушбу мамлакатнинг умуммиллий лидери хотирасига кўрсатилган юксак ҳурмат-эҳтиром учун миннатдорлик билдирди.

▶ Давоми 2-бетда

Ўзбекистон — ЕТТБ:

ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК,
САМАРА ВА ИСТИҚБОЛ

ХАЛҚАРО АНЖУМАН



Бошланиши 1-бетда

Иштирокчилар — хорижий ташкилотларнинг юқори мартабали вакиллари, эксперт мутахассислар, оммавий ахборот воситалари вакиллари ва бошқа турли даражадаги меҳмонлар учун барча шарт-шароит яратилган мажмуа ҳудудида бир вақтнинг ўзida бир неча йўналишларда тадбирлар бўлиб ўтди.

Хусусан, фуқаролик жамияти дастури бўйича ЕТТБнинг 2023-2028 йилларга мўлжалланган Фуқаролик жамиятини жалб қилишга оид стратегик ёндашув дастурига бағишланган шубба йиғилишида “Низоларни ҳал қилиш орқали барқарорлик ва ҳуқуқий ҳимояга эришиш” мавзуси муҳокама қилинди.

ЕТТБ Халқаро молия корпорацияси билан ҳамкорликда чиқиндиларни бошқариш бўйича давлат-хусусий шериклик лойиҳаси доирасида қатор чора-тадбирларни молиялаштириб келади. Мамлакатимизда кейинги йилларда айнан ДХШ тизими кенг оммалашаётган бир пайтда бу мавзу долзарб аҳамият касб этади.

Тадбир доирасида бизнес-форум, қатор инвестиция битимлари ва шартномалар имзоланди. Биринчи куннинг ўзидаяқ “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ ва ЕТТБ ўртасида 25 миллион доллар микродоридаги молиялаштириш линиясини жалб қилиш тўғрисида эришилган битим шулар жумласидандир.

Яна бир янгилик: анжуман ишида Mastercard Ўзбекистондаги биринчи расмий ваколатхонаси очилиши ҳақида эълон қилди. Mastercard тўловларни қайта ишлаш соҳасида дунёдаги энг йirik корпорация бўлиб, географиясини тобора кенгайтирмоқда, маҳаллий шериклар ва тармоқдаги манфаатдор томонлар билан муносабатларини янада мустаҳкамлашни режалаштирмоқда. Бу эса Ўзбекистон билан глобал ҳамкорлик аҳамиятини яққол намойён этади.

Mastercard инклюзив тараққийот маркази ЕТТБ билан Марказий Осиёда келгусида ҳамкорлиқни, кичик бизнес эгалари, айниқса, аёллар учун рақамли имкониятларни кенгайтириш мақсадида ўзаро аниқлашув меморандумини имзоледи.

Йиғилиш доирасида 50 дан ортиқ панел муҳокама, ҳамкорлик сессияси, юқори даражадаги тадбир, матбуот

анжумани, банкнинг институционал муҳокамаси ва бошқа тадбирлар ўтказилди. Халқаро савдо, қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш, бозорларни кенгайтириш учун рақамлаштиришнинг аҳамияти, ЕТТБнинг “Яшил шахарлар” дастурини амалга ошириш, минтақавий иқтисодиёт истиқболлари муҳокама қилинадиган масалалар шулар жумласидан.

Иқтисодиёт барқарорлигига эришиш учун инвестиция қилиш масалалари тадбирнинг асосий мавзуси бўлади. Йиғилиш давомида банкка аъзо мам-

лакатлар дуч келаётган муаммоларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқишга бағишланган панел мунозаралар ўтказилиши ҳам режалаштирилган.

Бизнес-форумнинг асосий мақсади барқарорликка сармоя қилишдир. Йиғилишнинг марказий тадбирларидан бири, шубҳасиз, “Ўзбекистоннинг инвестицион истиқболлари тўғрисида”ги сессия. Унда иқтисодиётимизнинг ўсиш истиқболлари ва сармоя қилиш имкониятлари муҳокама қилинади.

1991 йилда тузилган Европа тикланиш ва тараққиёт банки халқаро молия

институту бўлиб, бош қароргоҳи Лондонда жойлашган молиявий муассасанинг асосий мақсади мамлакатларга бозор иқтисодиётига ўтишга ёрдам бериш, уларнинг жаҳон ҳўжалиги ҳамжамиятига интеграциялашувига қўмаклашиш, таркибий ва иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, жумладан, монополиядан ва давлат тасарруфидан чиқариш, номарказлаштириш ва хусусийлаштириш, хусусий тадбиркорлиқни ривожлантиришдан иборат.

Банкнинг устав капитали 30 миллиард евроли ташкил этади. ЕТТБ ўз облигацияларини халқаро молия бозорларига чиқариш орқали маблаг жалб қилади.

ЕТТБ ташкил этилганидан бери умумий қиймати 180 миллиард евродан ортиқ бўлган 6 минг 500 дан кўпроқ лойиҳани амалга оширди. Унинг олий бошқарув органи Бошқарув кенгаши бўлиб, у ўз ваколатларининг катта қисmini банк фаолиятининг стратегик йўналиши учун масъул бўлган Директорлар кенгашига топширади. Директорлар кенгашига ЕТТБ президенти бошчилик қилади. Амалдаги президент Одиль Рено-Бассо 2020 йил июль ойида лавозимига киришган.

Бугунги кунга келиб, банк фаолияти Марказий ва Шарқий Европа,

Марказий Осиё, МДХ, Жанубий ва Шарқий Ўртаер денгизининг 35 та давлати ва Мўғулистонни қамраб олади.

Ўзбекистоннинг ЕТТБ билан муносабатлари 1992 йил 30 апрелда мазкур ташкилотга аъзо бўлиш билан бошланган. 1993 йил май ойида Тошкентда, 2019 йил октябрда Андижонда, 2021 йил июнда Урганчда ваколатхоналари очилган.

Айни пайтда юртимизда ЕТТБ иштирокидаги лойиҳаларнинг умумий сони 129 тага етди, қиймати 4 мил-

ЕТТБ 2022 йилда лойиҳаларга 839 миллион евро ажратди, бу эса 2021 йилдагига нисбатан 30 фоиз кўпдир. Ўзбекистон сўнгги 3 йил давомида Марказий Осиёда ЕТТБ молиялаштириши бўйича етакчи бўлиб келмоқда.

Хусусан, ЕТТБ иштирокида вазирилик ва идоралар томонидан “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги қонун



лиард евродан ортиқни ташкил этади. Аҳамиятлиси, 70 таси (2,3 миллиард евродан ортиқ) 2017 йилдан кейинги даврда амалга ошириб келинмоқда.

ишлаб чиқилди. Банк Бухоро вилоятида умумий қуввати 1 ГВт. бўлган иккита шамол электр станциясини қуриш учун 520 миллион доллар ажратди.

Ўзбекистон томонидан ушбу тадбирни ўтказиш учун 2019 йилда ариза берилган ва у 2022 йилда тасдиқланган.

Сўз анжуман иштирокчиларига

Мирсаид ҲОДИЕВ,
“Асакабанк”нинг халқаро ҳамкорлик департаменти сектор мудир:

— Банкимиз Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан 2019 йилдан буён яқин алоқаларни йўлга қўйган. Ушбу йўзаро ҳамкорлик бўйича иккита қелишув имзоланган эди. Биринчи қелишув очик савдони молиялаштириш доирасида маҳаллий экспортёр ва импортёрларнинг лойиҳалари бўйича банк кафолатларини қўллашга хизмат қилади. Иккинчиси эса кичик ва ўрта бизнес вакиллари қўллаб-қувватлашга йўналтирилган.

Банк Ўзбекистондаги фаолиятида давлат корхоналари ва банкларини ўзгартириш ва хусусийлаштириш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш, “яшил” тараққиёт лойиҳаларини, энергетика ва транспорт соҳасини ривожлантириш, давлат-хусусий шериклигининг самарали механизмларини жорий этиш, шунингдек, аёллар ва ёшлар тадбиркорлиги дастурларини амалиётга татбиқ этишга қўмаклашишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

ЕТТБ дунёдаги етакчи халқаро молия институтларидан бири сифатида ривожланиётган мамлакатлар тараққиётига муносиб улуш қўшиб келмоқда. Пандемия ва ундан кейинги тикланиш



даврида дунё молия бозоридида қатор инвесторлар ўз иштирокини чеклаган бир пайтда ҳам ушбу банк кредит ажратишни тўхтатмади, аксинча, қўлайтирди. Бу эса дунёнинг турли мамлакатларида тадбиркорларни пандемия таъсиридан химоялади.

Юртимизда бўлиб ўтаётган ушбу тадбир дунёнинг етакчи молия институтлари, хусусан, ЕТТБ билан ўзаро алоқаларни янада кенгайтиришда муҳим омил бўлади. Банкимиз ҳам тадбирнинг асосий ҳомийларидан бири. Шу имкониятдан фойдаланиб, форум ўтаётган жойда стендларимизни ўрнатдик. Бу бизга ҳамкорлар билан бевосита музокара ўтказиш, келажакдаги ҳамкорлик режаларимизни белгилаб олишга хизмат қилади.

Салай МАТКАРИМОВ,
“Person hunters” халқаро компанияси бизнесни ривожлантириш директори:

— Бугун дунёдаги кўпгина мамлакатлардан инвесторлар Ўзбекистоннинг реал иқтисодий тармоғига сармоясини тикишга тайёр. Бунинг сабаби барчамизга аён. Сўнгги йилларда юртимизда хусусий бизнес дахлсизлиги таъминланди ва унинг ривожини учун қўлай имконият яратилди. Сир эмас, илгари тадбиркорлар экспортни амалга оширишда муайян қийинчиликларга учураб эди. Хусусан, экспортдан тушадиган тушумини ололмай, анча овора бўларди. Бугун эса экспортёр компанияларнинг экспортга йўналтирилган харажатлари бир ҳафта ичида қайтариб бериларди. Конвертация очилганини ҳам алоҳида эътироф этиш жоиз.

Яна бир қўлайлик: илгари қўшимча қиймат солиғи 20 фоизни ташкил этарди, бугун 12 фоиз. Саккиз фоиз пул инвесторнинг чўнтағида қолади, дегани. Бу эса тадбиркор келажакдаги учун сармоядир.

ЕТТБнинг нуфузли тадбири Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнидаги ана шундай дадил



қадамларнинг муносиб эътирофи, деб биламан. Унда компаниямиз ҳам иштирок этмоқда. Биз ушбу тадбирда қатнашаётган кўнгилли ёшларни саралаб бердик. Улар меҳмонларга гид сифатида хизмат қўрсатяпти.

Илгари бундай мутахассисларни четдан жалб қилишга тўғри келарди. Бугун эса улар Ўзбекистон ёшлари орасидан танлаб олинди. Танлов ҳам жуда юқори савияда ўтди. Беш юз нафардан ортиқ ёш бу тадбирда иштирок этиш учун ҳужжат топширди. Уларнинг барчаси мамлакатимиз олий таълим муассасаларида тахсил олаётган йигит-қизлар. Улар орасидан билимли ва зукколар саралаб олинди. Бу ҳам юртимизда таълим тизимида эришилаётган натижаларни яққол намойён этади.

Мазкур тадбирга ҳар томонлама пухта тайёргарлик қўриш доирасида 2022 йил июнь ойидан 2023 йил мартгача ЕТТБ ишчи гуруҳининг протокол, логистика ва бошқа йўналишлар бўйича 5 та ташрифи ташкил этилди.

Бошқарув кенгашининг йиллик мажлиси ўтказиладиган жой сифатида Ўзбекистон танлангани мамлакатимизнинг ЕТТБ учун аҳамияти ва икки томон ўртасидаги ҳамкорлик юксак даражада эканидан далолат беради.

Тадбир, шунингдек, ЕТТБ ўтган йил давомида эришган ютуқларини қўриб чиқиш ва келажак режаларини белгилаб бериш билан аҳамиятлидир.

Бундай даражадаги тадбир, шубҳасиз, Ўзбекистоннинг жаҳон сармоявий ҳамжамиятидаги халқаро нуфузини оширишга ижобий таъсир қўрсатиш билан бира, ишбилармон доиралар вакилларига юртимизнинг иқтисодий, сармоявий ва саноат салоҳиятини ҳар томонлама ўрганиш борасида қўлай шароит яратди. Шунингдек, мамлакатимизнинг бой тарихи ва маданияти билан танишиш имконини беради.

Лутфулла СУВОНОВ,
Баҳор ХИДИРОВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбирлари

НУФУЗЛИ ТАДБИРНИНГ САМАРҚАНДДА ЎТКАЗИЛАЁТГАНИ ЕТТБНИНГ
ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИГА ИШОНЧИДАН ДАЛОЛАТ

Самарқанд шаҳрида 16 май куни иш бошлаган Европа тикланиш ва тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг 32-йиллик анжуманида “Дунё” АА муҳбирлари ушбу халқаро тадбирнинг айрим иштирокчилари билан суҳбатда бўлди.

Нил РАМСДЕН,
Швейцариянинг “Business and Finance Consulting” гуруҳи раҳбари:

— Компаниямиз аллақачон Ўзбекистон банклари билан алоқа ўрнатган. Ушбу тадбирда қатнашиш асносида ўзбекистонлик шериклар билан ўзаро ҳамкорлик учун янги имкониятларни кашф этмоқчимиз.

Биз, асосан, кичик бизнеснинг умумий манфаатларига эътибор қаратамиз. Ўзбекистонда ҳам бунга катта аҳамият берилади.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, ЕТТБнинг йиллик йиғилиши Самарқандда ўтказилаётгани ушбу халқаро тузилманинг Ўзбекистон иқтисодиёти келажакда бўлган ишончидан далолат беради.



Эрис ЛИВНИ,
ЕТТБнинг Марказий Осиё бўйича бош мутахассиси:

— Ўзбекистонда йўлга қўйган бизнес лойиҳаларимиз тобора муваффақият қозонмоқда, сотувлар ҳажми бўйича ҳар йили 10-15 фоиз ўсишга эришяпмиз.

Албатта, бу мамлакатдаги юқори салоҳиятли ва меҳнаткаш ишчи кучи билан ҳам боғлиқдир. Минтақа билан боғлиқлиқни ҳисобга олган ҳолда, шуни айтишни мумкин-ки, Ўзбекистон Марказий Осиёнинг юраги, тинчлик маркази ҳисобланади.

Ўтган вақт давомида Ўзбекистонда жуда катта ўзгаришларга гувоҳ бўлдик, муаммоларимиз ечимини топмоқда. Айниқса, 2017 йилдан буён кузатилаётган ижобий ўзгаришлар туфайли бизнес тармоқлари изчил ривожланмоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири — Ўзбекистоннинг дунёга очилгани билан изоҳланади.

Шу тариқа Ўзбекистонда бизнес муҳити фаол ва ишончли ривожланиш йўлидан бормоқда.



Герт АЛБЕРТ,
“Belfius” банк ва сўғурта компаниясининг бош бошқарувчиси (Бельгия):

— Тадбирда Бельгия ишбилармон доиралари вакиллари учун Ўзбекистонда бизнес юритиш имкониятлари, бу борада юртингизда яратилган шароитлардан самарали фойдаланиш мақсадида ўзаро фикр алмашяпмиз. Бельгиялик инвесторлар пўлнат савдоси, техника ишлаб чиқариш каби қатор йўналишларда ҳамкорлиқни йўлга қўйиш юзасидан жиддий қизиқиш билдирмоқда.

Бу ердаги таассуротларим келгусида Ўзбекистон банклари билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришга йўл очади, деб умид қиламан. Жараёнларни кузатар эканман, мамлакатингизда тадбиркорлиқни ривожлантириш учун етарли салоҳият мавжудлигига ишонч ҳосил қилдим.

Энг асосийси, Ўзбекистон барқарор иқтисодий ривожланиш йўлида катта ютуқларни қўлга киритмоқда.



“Дунё” АА
Самарқанд



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz_uz_news



ДОЛЗАРБ МАВЗУ



Видеоселекторда яна бир рақам келтирилди: охирги беш йилда юртимизда тадбиркорлар сони 285 мингдан 590 мингга кўпайган. Бу битта туманда 2,5 мингдан ортиқ ёки бир маҳаллада 50 нафар тадбиркор пайдо бўлди, дегани. Агар давлат улар билан ҳамкорлик қилса, қўллаб-қувватласа, жойларда бандлик масаласига ечим топилади.

КАМБАҒАЛЛИК КУШАНДАСИ

ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИ КЎПЛАБ МАСАЛАЛАРГА ЕЧИМ БЎЛАДИ

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бошланиши 1-бетда

Муаммони енгилда ўзига хос механизм

Мамлакатимизда одамларни иш билан банд қилиш орқали ҳаёт тарзини яхши томонга ўзгартириш борасида қилинаётган ишлар қўлами тобора кенгаймоқда. Энг асосийси, доимий эътибор ва назоратда турибди. Жумладан, шу йил 15 май куни Президентимиз раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилиши ҳам аини шу мавзу — камбағаллиқни қисқартириш ва бандлиқни таъминлаш чора-тадбирлари муҳокамасига бағишланди. Унда давлатимиз раҳбари қилинган ишларга тўхталиш баробарида, бу натижалар ҳали етарли эмаслигини таъкидлади. Камбағаллиқни камайтириш аҳолида тадбиркорлик руҳини уйғотиш, касбга тайёрлаш ва иш ўринларини яратишга қаратилган комплекс вазифалар экани айтилди. Бунинг учун эса энди ишларни янги босқичга олиб чиқиш, рағбат чоралари зарур.

Бу нима дегани? Биз шу пайтгача ишсиз, боқувчисиз, қаровчисиз одамларни аниқладик. Уларни махсус ижтимоий дафтарларга киритдик. Бунинг учун маҳаллаларда бевосита ҳокимлик билан ишловчи янги лавозим ҳам жорий этилди. Эҳтиёжманд ва бизнес қилмоқчи бўлганларга кредитлар ажратдик. Бу жараён ҳали ҳам давом этмоқда. Лекин иш шу билан якунланди, дегани эмас. Энди қилинаётган ишларни сифат жиҳатидан янада кучайтириш керак. Эътибор туфайли маҳаллада пайдо бўлган тадбиркорга фаолиятини кенгайтириши учун шaroит яратиш бериш зарур. Токи унинг илгари ўзидек ишсиз, пулсиз одамларга нафи тегсин, рўзғори бут бўлишига ҳисса қўшсин.

Видеоселекторда яна бир рақам келтирилди: охириги беш йилда юртимизда тадбиркорлар сони 285 мингдан 590 мингга кўпайган. Бу битта туманда 2,5 мингдан ортиқ ёки бир маҳаллада 50 нафар тадбиркор пайдо бўлди, дегани. Агар давлат улар билан ҳамкорлик қилса, қўллаб-қувватласа, жойларда бандлик масаласига ечим топилади. Зеро, тадбиркорлик қўшимча иш ўрни кафолати, одамларни даромад олишга ўргатувчи ўзига хос механизм. Шу маънода, уни камбағаллик кушандаси, десак муболаға бўлмас.

— Излаган имкон топар, деган нақл бежиз айтилмаганини мен ўз ҳаётим мисолида кўрдим, — дейди чироқчилик хусусий тадбиркор Нигора Худоевора. — Аҳоли бандлигини таъминлаш борасида қилинаётган ишлар ҳақида кўп эшитардим, лекин, очиги, ишонмасдим. Биласизми, қўлимда ҳунарим бўлса-да, ўн саккиз йилга яқин бирор ишининг бошини тўтолмадим. Оиламиз анча ночор, беш фарзандни эр-хотин вояга етказиш учун турли жойларда ишладик. Аммо биримиз ҳеч икки бўлмади. Қанча ҳаракат қилмайлик, топганимиз орзу-ҳавас у ёқда турсин, оиламизнинг кундалик харажатларига ҳам етмасди.

2021 йил ўзим яшаётган “Боғишамол” маҳалла фуқаролар йиғинига чакришиб, оилавий аҳолигимиздан келиб чиқиб, мени “Аёллар дафтар”га



рўйхатга олишди. Бундан бирор нафачикармикан, деган уй бор эди ҳаёлимда. Лекин кейинчалик бунинг катта ёрдами борлигини ҳис қилдим. Шу йили қизиқиларим ва қайси ишни бажара олишим ҳақида суҳбатлар қилишди. Шундан сўнг 25 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди. Бу кредитга ҳамир қориш ускунаси ва новвойлик учун керакли анжомлар сотиб олдим. Натижада ўз севган касбим — новвойлик билан шуғулланишга имкон яратилганидан мамнун ҳолда ишга киришдим.

Бошида турмуш ўртоғим билан бирга нон пишириб сота бошладик. Яхши ишлаганимиз натижасида аҳолидан буюртмалар кўпайиб борди. Харидорлар сони ортача, ишчи кучи керак бўлди. Қўшимча ёрдамчиларни ишга қабул қилиб, янада кўпроқ ишладик. Ҳозир новвойхонамизда саккиз киши ишлайди. Даромадимиз ҳам ёмон эмас. Харажатлардан ташқари кунига ўртача 250-300 минг сўм соф фойда оламиз. Қилган меҳнатимиз натижасида бир қизимни турмушга узатдик. Яна бирини Тошкентда — олийгоҳда ўқитяпмиз.

Умуман олганда, “Аёллар дафтар”га киритилиб, ўз йўлимини топдим. Ҳозир оилавий шароитимиз ҳам анча яхши. Камбағаллик ортада қолди.

Ўзбекистон — яна бир халқаро форум мезбони

Бир неча кундан сўнг мамлакатимиз яна бир йирик анжуман — Камбағаллиқни қисқартириш бўйича II халқаро форумга мезбонлик қилади. Сўнгги пайтларда Ўзбекистон том маънода халқаро экспертлар, хорижий компаниялар, инвесторлар эътиборини тортмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Зотан, юртимиздаги кенг қўламли ислохотлар бутун мазмун-моҳияти ва амалий натижадорлиги билан инсон манфаати ҳамда унинг

турмуш шароитини яхшилашга қаратилган. Жумладан, одамлар бандлигини таъминлаш ва камбағаллиқни камайтириш борасида ҳам ўзига хос иш тутумига эгамизки, булар халқаро доирада эътироф этилаётгани билан диққатга сазовордир.

18 май куни иш бошлайдиган халқаро форумда экспертлар ривожланаётган давлатларда тўпланган тажрибани янада оммалаштириш мақсадида камбағалликка қарши курашиш бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга оширишда Ўзбекистон эришган ютуқлар, жумладан, уларнинг самарадорлигини кўриб чиқиш режалаштирилган.

Маълумотларга кўра, мазкур форум Камбағаллиқни қисқартириш ва бандлик вазирлиги билан ҳамкорликда

корпус вакиллари қатнашади. Форум доирасида ҳамкорликка оид ҳужжатлар имзоланиши кутилмоқда.

Бундай йирик халқаро тадбир ўз-ўзидан ташкил этилмайди. Бунинг учун, аввало, мамлакат ўша йўналишда бошқаларга ўрнатилган даражада катта ва самарали тажрибага эга бўлиш керак. Ўзбекистон бүгун шундай давлатлар сирасига қиради.

Эзгу мақсадларни бирлаштирувчи бурилиш нуқтаси

Ақсарият мамлакатлар камбағаллиқни қисқартириш йўналишида фаолиятни халқаро ташкилотлар тавсиялари ва



Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази томонидан БМТ Тараққиёт дастури ҳамда Болалар жамғармасининг Ўзбекистондаги ваколатхоналари кўмағида ташкил этилмоқда.

Юртимиз бўйлаб бўлиб ўтадиган халқаро форумда 200 дан ортиқ делегат, шу жумладан, камбағалликка қарши кураш бўйича J-PAL глобал ташаббуси, БМТ, БМТТД, ХМТ, Жаҳон банки, ЮНИСЕФ, ОТЕ, ФТА, GIZ ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар экспертлари иштирок этиши кутилаяпти.

Иқтисод бўйича Нобель мукофоти совриндори, камбағаллиқни қисқартириш бўйича J-PAL глобал ташаббуси ҳаммуассиси Абхижит Банерджи, Жорж Вашингтон университети иқтисодий профессори Жеймс Фостер, Оксфорд камбағалликка қарши курашиш ва инсон капиталини ривожлантириш ташаббуси директори Сабина Алкайрнинг иштироки катта аҳамиятга эга бўлади. Шунингдек, форумда қатор халқаро молиявий ташкилотлар раҳбарлари, Озарбайжон, Қозоғистон, Хитой, Қирғизистон, Покистон, Тожикистон каби давлатлардан дипломатик

тўпланган тажрибаларга таянган ҳолда тайёр амалиёт ҳамда стратегиялар асосида амалга оширади. Ўзбекистонда қисқа муддатда камбағаллиқни қисқартириш борасида ўзига хос ташкилий модел шакллантирилиб, ўтган йили жорий этилган эди. У бүгунги кунга келиб, иккинчи натижаларини кўрсата бошлади.

Камбағаллик муаммосини ҳал этиш юртимиздаги ижтимоий сиёсатда алоҳида ўрин эгаллайди. Унга қарши фаол кураш 2020 йилда, мамлакатимиз ўшбу ҳолатни расман тан олган пайтда бошланган эди. Аҳолининг эҳтиёжманд қатлами мизилли қўллаб-қувватлаш мақсадида маълумотлар базалари шакллантирилди. 2021 йилдан бошлаб эса кам таъминланганларни “Ижтимоий химоянинг ягона реестри” ахборот тизимига киритиш орқали ҳисобга олиш механизми жорий этилди. 2017 йилда кам таъминланган 500 мингга оилага ижтимоий ёрдам кўрсатилган бўлса, бүгун улар сони 2,2 миллиондан зиёдни ташкил қилмоқда. Ажратилаётган маблағ ҳажми етти баробар кўпайиб, йилига 13 триллион сўм (1,1 миллиард доллар)га етди.



Ушбу йўналишдаги ишлар шахсан давлатимиз раҳбарининг доимий эътибори ва назоратида турибди. Хусусан, Президентимиз Олий Маҳлис ва халқимизга Мурожаатномасида бунга алоҳида тўхталиб, янги Ўзбекистонни “ижтимоий давлат” тамойили асосида қуриш, инсон салоҳиятини рўёбга чикариш учун тенг имкониятлар, одамлар муносиб ҳаёт кечирishi учун зарур шарт-шaroит яратиш ва камбағаллиқни қисқартириш мақсад қилинганини таъкидлагани.

Жорий йил 25 январда Президентимиз раислигида камбағаллиқни қисқартириш, аҳоли бандлигини таъминлаш масалаларига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида келтириб ўтилган маълумотлар Ўзбекистонда камбағаллиқни қисқартириш жараёни натижадор бўлиб, юқори самарадорлиқни намойиш этаётганини кўрсатди. 2022 йил якуналарига кўра, камбағаллик даражаси 17 фоиздан 14 фоизга камайган. Йил давомида 200 мингга яқин тадбиркорлик субъекти ташкил этилиб, 10 мингга корхона фаолияти кенгайтирилган бўлса, 11 мингтасининг қуввати тикланди. Давлат дастурлари, жумладан, аҳолини касб-ҳунарга ўқитиш,

Туманлар кесимида 2023 йилга мўлжалланган бандлик дастурларини пухта ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш вазифаси қўйилди.

Кам таъминланган ҳар бир оила учун ягона рақамли паспорт ишлаб чиқиш, камбағалликдан чиқиш бўйича индивидуал дастурлар тайёрлаш, касб-ҳунарга ўқитиш ва тадбиркорлик лойиҳаларини амалга ошириш режалаштирилган. Шу мақсадда маҳаллаларда 300 та микромарказ яратиш бошлаб юборилди. Ҳар бир туманда тадбиркорлиқни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш бўйича кўрсатма берилди.

Оилавий бизнес учун ажратиладиган кредитлар миқдори ҳам ортиб бормоқда. Бундай ишлар қўлами давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 25 январдаги “Оилавий тадбиркорлиқни ривожлантириш дастурларини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан янада кенг қамров олиб, оилавий тадбиркорлиқни ривожлантириш дастурлари доирасида лойиҳаларни молиялаштириш учун учта банкка маблағлар ажратилди. Буларнинг бари кейинги йилларда аҳоли бандлигини таъминлаш, янги иш ўрин-



маҳаллаларда тадбиркорликка кўмаклашиш борасидаги чоралар туфайли 1 миллион киши камбағалликдан олиб чиқилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 21 декабрдаги “Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони камбағаллиқни қисқартиришдаги ишлар самарадорлигини янада оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Камбағаллиқни қисқартириш бўйича масъул беш идора Камбағаллиқни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг ягона тизимига айлантирилиб, унга барча ташкилий имкониятлар ва молиявий ресурслар тақдим этилди. Ўзаро ке-сишувчи масалаларнинг бир вазирлик доирасида жамланиши уларнинг янада самарали ва комплекс ҳал этилишига хизмат қилиши шубҳасиз.

Давлатимиз раҳбари Мурожаатномасида 2023 йилда камбағаллиқни қисқартириш бўйича амалга оширилаётган сиёсатнинг устувор йўналишлари белгилаб берилди. Шундан келиб чиқиб, аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш, камбағаллиқни бартараф этиш чора-тадбирлари маҳалла миқёсида давом эттириляпти. Аҳоли ташаббус кўрсатган лойиҳаларни амалга ошириш учун қарийб уч баробар кўп, салкам 8 триллион сўм йўналтириш кўзда тутилган.

Худудлар ўртасидаги иқтисодий тенгсизлиқни қисқартиришнинг таъминловчи механизм ишга туширилиб, улар шароити ва салоҳиятидан келиб чиқиб, беш тоифага ажратилди. Тадбиркорлар учун субсидия, кредит ва компенсацияларни тоифалардан келиб чиқиб ажратиш кўзда тутилган. Улар учун солиқ ставкалари ҳам ҳар хил бўлади.

Тошкент вилоятида “Менинг биринчи уйим” ижтимоий уй-жой ипотека дастури ишга туширилмоқда (уй-жойларни, биринчи навбатда, эҳтиёжманд оилалар учун қуриш кўзда тутилган). Уй-жой қурилиши ҳажми 1,5 баробар оширилиб, 90 мингга хонадон ва якка тартибдаги уй-жойга етказилади.

лари яратиш, одамларни яхши даромад манбаи билан таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатлар қўлами тобора кенгайиб бораётганини аниқлашди.

Яна 15 май куни ўтказилган видеоселекторга қайтсак. Унда қайд этилдики, аҳолини касб-ҳунарга ўқитиш учун давлат томонидан ҳар йили 200 миллиард сўм ажратилаяпти. Лекин бу пул тадбиркор билан боғланмаган. Худди шундай, тадбиркор ҳам йилга катта харажат қилиб, ўзи учун минг-лаб мутахассис тайёрлашга мажбур. Бироқ бунда ҳам давлат қўллаб-қувватловчи йўқ.

Шу боис, Президентимиз бунинг тўғри ечими сифатида тадбиркорларга шaroит яратиш, улар билан ҳамкорлик қилиш зарурлигини айтди. Шу мақсадда жорий йилнинг 1 июнидан бошлаб “20 минг тадбиркор — 500 минг малакали мутахассис” дастури амалга оширилади. Унда иштирок этиш ихтиёрий. Дастурга 2023-2024 йиллар давомида 1 миллиард доллар миқдорида маблағ йўналтирилади. Бу маблағ ҳисобидан тадбиркорга камбағал оилалар азёсини касбга қўқитиб, ишли қилишига қараб, амалдаги паст фоизларда ва узоқроқ муддатга кредит берилади. Тадбиркорнинг “амалий мономарказ” ташкил қилиш, жиҳозлаш ва касбга ўқитиш харажатлари тўғри қўпланади. Дастурда иштирок этган тадбиркорларга солиқлардан ҳам алоҳида имтиёзлар берилади.

Қисқаси, бүгун Ўзбекистон камбағаллиқни камайтиришга жиддий бел боғлаган. Бу борада хориж тажрибаси қаторида ўз шaroит ва имкониятимиздан мақсадли фойдаланишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ваҳоланки, илгари қайси тоифа аҳоли камбағал ҳисобланиши, уларнинг сони ҳақида аниқ маълумотлар мавжуд эмас, ажратилаётган моддий кўмаклар манзилига етиб бориши ҳам гумон эди. Бугун эса очик айтилмис: бизда камбағаллик бор, бунинг сабаблари ҳам маълум. Асосийси, ишлар амалий тус олиб, одамлар ҳаётида ўз аксини топмоқда. Демак, натижа ҳозирча ёмон эмас. Шу билан бира, олдинда ҳали қилинадиган ишлар кўп.





Буробия РАЖАБОВА,
ЎЗР ФА Ўзбек тили,
адабиёт ва фольклор
институты етакчи илмий
ходими, филология
фанлари номзоди

Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодий меросини ўрганиш, тарғиб қилиш, даврий нашрларини амалга ошириш ҳамда даҳо шоирнинг улғу сиймосини бадий адабиётнинг турли жанрларида яратишда шоир, адабларнинг катта ҳиссаси бўлган. Шундай ижодкорлардан бири ўзбек адабиётини фасоҳатли шеърлари, ғазаллари, “Муқанна” драмаси, “Ойгул билан Бахтиёр”, “Зайнаб ва Омон” каби асарлари, адабий-танқидий мақолалари билангина эмас, илмий тадқиқотлари билан ҳам ном қозонган Ҳамид Олимжон эди. Ушбу мақолада биз ижодкорнинг айна жараён билан боғлиқ изланишлари ва саъй-ҳаракатларига тўхталдик.

1938 йил сентябрь ойида Ўзбекистон Олий Кенгаши Президиуми “Улуғ ўзбек шоири Алишер Навоий туғилган кунига 500 йил тўлган кунини нишонлаш учун юбилей комитетини тузиш ҳақида” қарор қабул қилган. Қарор асосида таниқли давлат ва маданият, илм-фан намоёндаларидан иборат комитет аъзолари ҳам тузилган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюشمаси раиси Ҳамид Олимжон дастлаб Навоий юбилей комитетининг масъул котиби, кейинчалик эса раис ўринбосари лавозимига сайланган эди. Унинг раҳбарлигида мазкур анжуманга қизгин тайёргарлик ишлари маданий ҳаётнинг турли жабаҳаларида бошланиб кетди.

Жумладан, Ҳамид Олимжон буюк шоир ижодига оид “Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достони ҳақида”, “Навоий — ўзбек тилининг яратувчиси”, “Навоий ва бизнинг давримиз” сингари ўзбек ва рус тилларида йиғирмадан ортиқ ўқишли мақолалар ёзди. Бундан ташқари, унинг ташкилчиллигида ўтказилган танлов натижасида буюк мутафаккирининг

Ҳамид Олимжон ташаббуси билан Алишер Навоийнинг 70 дан зиёд ғазали рус тилига моҳирона таржима қилинган

эллиқдан зиёд портрети чизилган. Алишер Навоийнинг тошкентлик машхур расом В.Кайдалов томонидан чизилган портрети танловнинг биринчи мукофотига лойиқ деб топилди.

Айни қутлуғ анжуманга тайёргарлик жараёнида Ҳамид Олимжон кўплаб саъй-ҳаракатлар кўрсатди. Жумладан, Иззат Султон ва В.Шкловский “Алишер Навоий” фильми сценарийсини ёзишга киришди. Уйғун ва Иззат Султон муаллифлигидаги “Алишер Навоий” драмаси ҳам айни шундай ташаббус натижаси эди.

Ҳамид Олимжон даъвати билан Алишер Навоий асарларининг таржимасига ҳам катта эътибор берилган. Бундай масъулиятли ва мураккаб жараёнга таниқли рус шоирлари ва турколог олимлар жалб этилди. Масалан, Н.Лебедев Навоийнинг 70 дан зиёд ғазалини, “Саъйи сайёр” ва “Лисон ут-тайр” достонидан парча, лавҳаларни ҳамда русбойи, мухаммас, соқийнома каби лирик жанрлардан намуналарни рус тилига маҳорат билан таржима қилган.

Юртимизда 1940 йил улуғ Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини кенг тарғиб қилиш билан бошланган, десак муболага бўлмас. Хусусан, ўша йил 8 январда “Лайли ва Мажнун” достонига бағишланган навоийхонлик конференцияси ўз ишини бошлади. Анжумани Ҳамид Олимжон кириш нутқи билан очиб берди. Атоқли рус шарҳуноси Е.Бертельс, адабиётшунос Т.Жалолов ва шоир А.Умарийнинг “Лайли ва Мажнун” достонининг гоёвий-бадий хусусиятлари ҳақидаги маърузалар қатта ҳаяжон билан тингланди. Ғ.Содиқов, Р.Глиэр эса “Лайли ва Мажнун” операси устида олиб борган ижодий ишлари ҳақида тўққинлаб гапириб берди.

Алишер Навоий яшаган давр ва шоир ижодини ўрганиш юзасидан ўтказилган конференция, семинар, махсус курсларда ҳам Ҳамид Олимжон фаол бўлган. Навоийнинг дунёқарашини, унинг эзгулик, инсонпарварлик, адолат, дўстлик ва муҳаббат, ватанпарварлик ва меҳнатсеварлик, одамийлик ҳақидаги бой ижоди ҳамда ўзбек тили ва адабиёти, маданияти тарихидаги буюк хизмати ҳақида кўплаб маърузалар ўқиди. Булар бир қарашда таниқли ижодкор учун қийин эмасдек туюлади. Аммо бу учун катта масъулият билан бирга, катта иқтидор, буюк шоир ҳаёти ва ижодига, туркий халқларга бўлган чуқур ҳурмат-эҳтиром билан ёндашув талаб этиларди.

Ҳамид Олимжон шунинг ифодаси ўлароқ, “Фарҳод ва Ширин” достонидаги икки юз сатрга яқин диалог нутқини, Навоий шеърларини ёддан айтиб бера оларди. Шу тариқа у ўз даврида кенг жамоатчиликни Алишер Навоий шахси, даври, асарлари, ижодонасига қизиқтира олган. Академик Наим Каримов сўзлари билан айтганда, “Ҳамид Олимжон ўзининг буюк фаолияти билан Навоий шарафига хазон бўлмас чечаклардан ясалган гулчамбар қўйган”.

“Навоий — ўзбек тилининг яратувчиси” номли мақоласида у ҳайрат ва ифтихор туйғуси билан буюк шоирнинг ўзбек тили мақомини кўтаришдаги улғу хизматини кенг ёритиб берган. Шунингдек, Навоийнинг катта матонат билан она тилида битган дурдона асарлари, самарали ижоди, боқий фикрлари нафақат ўзбек тили, балки форс, араб тиллари учун ҳам луғат бойлиги экани, файзли уйи — Унсияси, бой кутубхонаси ҳақидаги масала ва муаммони ёритиб беришга ҳаракат қилган.

Шу ўринда Ҳамид Олимжон навоийшунос сифатида “Фарҳод ва Ширин” достони ҳақида алоҳида тадқиқот яратганини таъкидлаб ўтиш жоиз. У буюк мутафаккирининг мазкур достони ҳақида қиладиган таҳлил ва таққинидан олдин Фарҳод ва Ширин образининг тарихига, адабиётшунослар тили билан айтсак, генезисига алоҳида тўхталган. Ҳамид Олимжон бунинг учун Фирдавсий “Шохнома”сини, Низомий Ганжавий, Хусрав Деҳлавийнинг “Хусрав ва Ширин” достонларини қайта-қайта ўқиб, уларни яхши ўзлаштирган. Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин”ининг сюжети ва композицияси таҳлилига ўтишдан олдин юқорида биз санаб кўрсатган ҳамсанависларга бирма-бир тўхталган. “Шохнома”да Фарҳод образининг йўқлиги Шопур образининг ҳам йўқлигига асос бўлганини алоҳида қайд этган.



Ҳамид Олимжон Низомийнинг “Хусрав ва Ширин”ида Фарҳоднинг уста йигит эканини, Хусрав Деҳлавийнинг ҳам “Фарҳод ва Ширин”ида шундай образ характерида келишини айтиб ўтган. Муҳими, Ҳамид Олимжон мазкур тадқиқотида Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достони хусусида сўз юрит-



ганини кўрамыз: “Навоий “Хамса”ни ва хусусан, “Фарҳод ва Ширин”ни ёзишга киришар экан, ўз қаршида Низомий ва Деҳлавий сингари ижод азаматлари турганини билар, бу тўғрида ўзига аниқ ҳисоб берар, улар кўтарилиб чиққан баландликка чиқш ва уларга тенг асар яратиш осон эмаслигини жуда аниқ англар эди:

Керак шер олдида ҳам шер жанги
Агар шер ўлмаса, бори паланги.

Навоий ўтган зўр ижодий йўлни ва у яратиб қолдирган ўлмас асарларни ҳисобга олиб айтиш мумкинки, Навоий ўз халқининг Низомий даражасидаги зўр уруш арслони бўлиб етишди”.

Бугунги навоийшуносликда Ҳамид Олимжон тилга олган шохбайтларни мутахассислар ёддан билади, лекин шоир 1930-йиллар охирида “Фарҳод ва Ширин”нинг кўлзма вариантини чуқур ўрганиб, ўз илмий тадқиқотида таъсил қилган. Юқорида айтганимиздек, Ҳамид Олимжон Хусрав билан Фарҳоднинг икки юз мисрадан иборат катта ҳажмдаги диалогини ёддан билгани ва давраларда ўқигани беҳиз эмасди. Ҳамид Олимжоннинг мазкур тадқиқоти асосида кейинчалик “Фарҳод ва Ширин” достони ҳақида мақола, рисола, китоб, диссертация харақтерида кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган. Шундай бўлса-да, унинг ушбу илмий иши навоийшуносликдаги илк илмий ишлардан бўлиб, ўз қиммати йўқотган эмас. У ўз тадқиқотида “Хусрав — золим, инсон ҳурриятининг раҳмсиз қотили...” Навоий Хусравда одамгарчилик кўрмайди”, деб ёзар экан, унинг салбий ҳислатларини тўлиқ очиб учун ҳам Фарҳоднинг бутун фазилатларини ва тарбиявий аҳамиятини бирма-бир таҳлил этишга ҳаракат қилган. Унинг гаплари билан қисқа шарҳласак. Яъни, биринчидан, “Буюк Алишер Навоий ўлмас достонидан икки дунёни яратгандир. Бу ёмонлик ва яхшилик дунёси, зулм ва адолат дунёси, жафо ва вафо дунёси”дир, иккинчидан, “Одамга бўлган муҳаббат ва ҳурмат, одам ҳурриятига бўлган туганмас севги, одамнинг эрки ва озоишталлигига бўлган ғамхўрлик” (ғи)дир, учинчидан эса “Навоий Фарҳод образида меҳнатнинг зўр мадҳиясини яратиб қолдирган”дир.

Маълум маънода ўз даврининг илғор кишиси бўлган улуғ Навоийнинг достон сюжетида ёзишча, ота-онаси томонидан унга “Анга фарзона Фарҳод исм қўйди, Ҳуруфи маъзанин беш қисм қўйди”, деб Фарҳод исминини қўйилишида кенг фикр ва ҳикмат борлигини англаш мумкин. Ҳамид Олимжон ёзади: “...ўтқир ва ихтирочи фикрга эга бўлган... Фарҳод фикр ва ижод кишиси, излаш, ахтариш кишиси эди. У одам нимаки қилган бўлса, фикрлаш орқасидан қилган, фикрлаш мумкин бўлган ҳал қилинмаган мушкул иш бўлмайди, деб қарар эди: Деди ҳар ишники қилмиш одамизод, Тафаккур бирла билмиш одамизод”.

Бизга маълумки, рамзий маънода фикрласак, Алишер Навоий боқий фикр ва ўлмас ғоялари билан ўз давридан бошлаб то бизнинг замонамизда ҳам буюк шахс ҳисобланади.

Навоий Низомийни бир арслон сифатида тушунади ва арслонга баробар келмоқ учун уруш арслони бўлиш ва ҳеч бўлмаганда йўлбарс бўлиш кераклигини айтади:

да ҳам ишлайди. Илм ва ишни баробар уудалаяпти. Ихтисослашуви бўйича қурилиш соҳаси вакили бўлишга қарамай, учта шеърини тўплам ва 20 дан ортиқ илмий-ижодий иш муаллифи.

“Давлатимиз раҳбари илгари сурган “Беҳ муҳим ташаббус”ни кенг жорий этиш борасидаги амалий интилишлари, доимий изланиши, фаоллиги инобатга олиниб, институт раҳбарияти томонидан Мустақиллигимизнинг 31 йиллигига бағишланган “Юрагимдан ўтинг Ватанга” шеърини тўплами 1000 нусхада чоп этилди.

2022 йилда Президентимиз тақдир асосида ўтказилган, 500 мингдан ортиқ талабани ўзида жамлаган “Янги Ўзбекистонни ўзимиз, ўз қўлларимиз билан бунёд этамиз!”

Ҳамид Олимжон 1938 йилда “Навоий ва замонамиз” деган яна бир тадқиқот битган. Унда Алишер Навоийнинг ўзи яшаган даврининг ҳам қаҳрамони, яъни Султон Хусайн Бойқаро “Рисола” асарида Соҳибқирон деб шарафлаганидек талқин қилган. У шундай дейди: “Ўзбек адабиётининг бутун тарихи Алишер Навоий номи билан боғланган. XV асрда яшаган шоир Навоий X аср билан XX аср ўртасида бизнинг адабиётимизнинг энг марказий сиймоси бўлиб қолди”.

Ҳамид Олимжон саъй-ҳаракати билан шоирлардан Уйғун, Ғафур Ғулом, Амин Умарий ва адаблардан Ойбек, Мирқарим Осим бадий адабиётда Навоийнинг буюк сиймоси, адабий портретини яратган. Уйғуннинг Навоий ҳаёти, ижодига қизиқиб амалга оширган тадқиқот ва нашр ишлари фикримизнинг исботи бўла олади. Шу маънода қисқа бўлса-да, Уйғуннинг бу борадаги илмий ишига муурожаат қилсак. Бу ҳақда адабиётшунос Тожи Қораев алоҳида тўхталган.

Навоий юбилейи комитетининг топшириғи, яъни Ҳамид Олимжоннинг курсатмаси асосида Уйғун 1940 йилда Навоийнинг “Хазойин ул-маоний” номи билан машхур “Чор девон”ини нашрга тайёрлаб, салмоқли сўзбоши ҳам ёзган ва 1940 йилда нашр эттирган. Уйғун китобни нашрга тайёрлаш жараёни хусусида матбуотда мақолалар эълон қилиб борган. Жумладан, Собир Абдулла билан ҳамкорликда “Чор девон” ҳақида” номли мақола ёзиб, уни “Қизил Ўзбекистон” газетасида 1938 йилда эълон қилган. Уйғуннинг ўзи асарни нашрга тайёрлаш билан боғлиқ масала ва муаммони ёритиб, “Чор девон ҳақида” мақоласини битган ва 1939 йилда “Ўзбекистон маданияти” газетасида чоп эттирган.

Ҳамид Олимжон буюк Алишер Навоийни нафақат Ўзбекистон ёки Марказий Осиёда, айни пайтда собиқ Иттифоқ республикаларида ҳам кенг ўрганишларини жуда истаган. Академик Н.Каримовнинг ёзишча, у ўша пайтда машхур ва адади жуда кўп нусха бўлган “Правда”, “Известия” газеталари масъулларига кўнғироқ қилиб, бир йилда Навоий асарлари ҳақида бирор-бир мақола нашр бўлдимки, деб сўраб турган. Агар эълон қилинмаган бўлса, ўзи бош-қош бўлиб, мақола ташкил қилиб берар экан. Қолаверса, унинг ўзи ҳам Навоий ҳақида ўзбек ва рус тилларида кўплаб мақолалар эълон қилган.

Хулоса шуки, Алишер Навоий ижодини ўрганиш, тарғиб қилиш, нашр этишда Ҳамид Олимжон ҳам ижодкор, ҳам масъулиятли раҳбар сифатида фидойилик кўрсатган. Унинг Навоий ҳақидаги илмий ва илмий-оммабоп мероси бугунги навоийшуносликда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

КУТИЛГАН ОНИМ КЕЛДИ...

Наманган вилоятининг Учқўрғон туманида яшовчи Раҳмоновлар оиласини юртимизда кечаётган ислохотлардан миннатдор ва манфаатдор, намунали оилалардан бири деб бемалол айтиш мумкин. Бу оила аъзолари сиёсий жараёнларда анча фаол. Референдумда катта хурсандлик билан қатнашиб, муносиб танловларини билдиришди. Хонадон соҳиблари — Фарҳод Раҳмонов “Қўрғонча” маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Малика Раҳмонова эса педагог.

Шу оилада камол топаётган Аҳмаджон Мухторжонов Наманган муҳандислик-қурилиш институтининг қурилиш факультети талабаси. У ўзини ислохотларга дахлдор оила фарзандиман, деб ҳисоблайди ва бундан фахрланади.

Бунинг сабаблари етарлича, албатта. Онаси Президентимиз томонидан қайта тикланган махсус сиртки йўналишда тахсил олиб, 40 ёшида бакалавр дипломига эга бўлди. Ҳозир мактабда бошланғич синф ўқитувчиси сифатида ўқувчиларга билим бермоқда.

Отаси Фарҳод ака ҳам узоқ йиллардан буён олий маълумотли бўлиш

орзуси билан яшаётганди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан маҳалла тизимида бир неча йиллардан буён фаол хизмат қилиб келаётган ходимлар талабалikka грант асосида қабул қилиниши ортидан айни пайтда олий ўқув юрти талабаси. Қолаверса, Президентимиз имзоси билан “Меҳр-саховат” ва “Ўзбекистон Конституциясининг 30 йиллиги” эсдалик кўкрак нишонлари билан тақдирлангани касбига меҳри ошишга замин яратди. Қизиги шундаки, 43 ёшида 1-босқичда ўқиётган ота ва 4-босқични якунлаётган 21 ёшли ўғил



биргаликда, елкама-елка туриб дарс тайёрлаяпти. Ислохотлар оилаларни бирлаштириши, жиқслаштиришига яққол мисол бу.

Аҳмаджон ўқиш билан бирга, институтнинг иқтидорли талабаларининг илмий тадқиқот фаолиятини ташкил этиш бўлимида муҳандис лавозими-

да ҳам ишлайди. Илм ва ишни баробар уудалаяпти. Ихтисослашуви бўйича қурилиш соҳаси вакили бўлишга қарамай, учта шеърини тўплам ва 20 дан ортиқ илмий-ижодий иш муаллифи.

“Давлатимиз раҳбари илгари сурган “Беҳ муҳим ташаббус”ни кенг жорий этиш борасидаги амалий интилишлари, доимий изланиши, фаоллиги инобатга олиниб, институт раҳбарияти томонидан Мустақиллигимизнинг 31 йиллигига бағишланган “Юрагимдан ўтинг Ватанга” шеърини тўплами 1000 нусхада чоп этилди.

2022 йилда Президентимиз тақдир асосида ўтказилган, 500 мингдан ортиқ талабани ўзида жамлаган “Янги Ўзбекистонни ўзимиз, ўз қўлларимиз билан бунёд этамиз!”

эсселар танлови вилоят босқичида филолог йигит-қизларни ортда қолдириб, финалга йўл олди. Мамлакат босқичида эса тўғилиб ўсган юртини қанчалик севганини, ҳаёжонини биткиларидан изхор этиб, “Она Ватаннинг қайноқ тараннуми” номинациясида ғолиб чиқиб, Президент совғасига эга бўлди.

— Давлатимиз раҳбари ва институтимиз тарафидан яратилаётган шароит имтиҳонлардан илҳомим жўшади ва кучга тўламан, — дейди Аҳмаджон. — Муваффақиятларим дуолар ижобати ва имкониятлардан тўлақонли фойдаланишим маҳсулидир.

Жамиятда мустаҳкам ўрин эгаллаётган, ёш қурувчи-шоир Аҳмаджон ўзи ва яқинлари мисолидаги ҳаётини ислохотларни янги шеърда қуйидагича ифодалайди:

Қутилган оним келди,
Буюк замоним келди,
Инсон қадрини ўйлаб,
Халқчил инсоним келди,
Дилга туккан сўзларим айна шу оним келди:
Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз!..

Орифжон Жўраев,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news

17 МАЙ — ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ШОИРАСИ ҲАЛИМА ХУДОЙБЕРДИЕВА ТАВАЛЛУДИ КУНИ

ҚАНЧА ШОНИНГ БЎЛСА — Ватанни кўтар!



66

ҲАЛИМА ХУДОЙБЕРДИЕВА ДЕГАН НОМНИ ЭШИТГАНИМДА ҲАЛИ ЎН ЁШГА ҲАМ КИРМАГАН ЭДИМ. ДЕҲҚОНОБОД ТУМАНИДАГИ ТЕВАРАК-АТРОФИ ПАСТУ БАЛАНД ТОҒУ ҚИРЛАР БИЛАН ЎРАЛГАН ЭРТАКМОНАНД ШАКАРБУЛОҚ ҚИШЛОҒИДА БАХШИЁНА ОҲАНГЛАРНИ, ДОСТОНЛАРНИ, СЎЗ СЕҲРИНИ, ДОНИШМАНДЛИК ИЛА ЙЎҒРИЛГАН ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИНИ СЕВМАГАН, АДАБИЁТНИ, ШЕЪРИЯТНИ ОЛҚИШЛАМАГАН ОДАМЛАР КАМ ТОПИЛАДИ.

Бегим, сизни Худойим расо қилиб яратган...

Мухтасар ТОЖИМАМАНОВА,
шоира:

Бошланиш 1-бетда

— Йўлда кетаётди устознинг шеърларини ўқиб, ўтlig ва самимий мисралар тўлқинида оқиб кетардик... “...Бегим, сизни Худойим расо қилиб яратган”, дея мисраларни такрорлаганимда қизлар “Тинчликми, дугонажон”, дея ҳазил аралаш қулган, ҳаяжон билан бунинг асл сабабини тушутиришга ҳаракат қилганим ҳам ёдимда.

Сабоби бу шеър жуда гўзал ва айни пайтда жасорат билан ёзилган эди. Чунки ўша замонларда шеърятда ҳайкириб “Худойим” деб ёзиш учун қанчалар куч, жасорат керак эди, дердим хайратланиб, “...Кундуз юриб ёздим, тун туриб ёздим”, “...Қанча кўннинг бўлса — Ватан учун тўқ, Қанча шонинг бўлса — Ватанни кўтар!” Ўз-ўзидан дил саҳифасига муҳрланган бу мисралар завқидан қалбимиз ёришар, бир фарзанд сифатида она юртимиз, миллатимиз олдидаги бурчимиз қанчалар юксаклигини янада чуқур ҳис қилар эдик.

Бироқ ҳаёт фақатгина ўтlig шеърлару ширин дийдорлардан иборат эмас-да... Биз — мушоирага ташна ижодкор қизлар ҳаёт синовларида бирин-кетин тоблана бошладик.

...Бир сафар қандайдир ташвишлар билан бўлиб руҳим суз эди. Қизлар кўярда-қўймай, Ҳалима опаникига олиб кетди. Иложи борица, устозга кайфиятимни сез-дирмасликка ҳаракат қилдим. Ва ниҳоят,



мушоира бошланди. Дастлаб шеър ўқиган қизларни тинглаб, опанинг чехраси ёришиб кетди. Мен шеър ўқиганимда эса бирдан жимиб қолди. “Эҳ, бекор ўқидим... Ҳозир танқид қилсалар нима дейман”, дея афсусландим ичимда. Устоз секин ёнимга келди-да, мени маҳкам қучиб олди. “Ҳаммаси яхши бўлади. Ҳаётда шундай синовлар ҳам бор. Мен кўзларингизда ўзимни кўрапман, Мухтасар”, деди кўз ёшимни артиб...

Беихтиёр хотиралар жонланади... 1997 йилда ўтказилган Зомин семинари кечагидек эсимда. Ўша пайтлар уюшмада ишлайдиган бир мансабдорнинг топиригини бажармаганим учун уртамизда келишмов-чилик пайдо бўлган эди. У ўз мансабидан фойдаланиб, кўнглига келган буйруқни

беришга ўрганган, Зомин семинарида ҳакамлар ҳайъатида ҳам бор эди. Семинар давомида ўша мансабдор шоир мени руҳан синдиришга ҳаракат қилганида Ҳалима Худойбердиева қатъий туриб Ҳимоя қилди. Ҳатто семинардан сўнг ҳакамларга ажратилган махсус машинада кетмай, биз, талабалар билан автобўсга чиқди ва йўл-йўлак кўнглимизни кўтариб, илқ сўзларини аямая келган.

Ундан кейин эса... устоз яна бир муруват қилиб, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига тавсиянома ёзиб берди. Ушанда мени уюшмага қабул қилишганидан, тўғриси, бир оз хафа бўлганман, лекин устознинг Ёшлар бўлимига кўнгироқ қилиб, “Энди менинг тавсияларим ўтмай қолибди-да, лекин асл истеъдод барибир тошни-да ёриб чиқади. Бу кўнлар ҳам ўтар-кетар. Бизнинг-да оқларимиз Тангрига етиб бора-гай!”, деганларини айтиб беришганида яхшиям қабул қилишганим, дея хурсанд бўлиб кетганман. Чунки Ҳалима опадай шоиранинг Ҳимояси мен учун ҳар қандай воқеликдан қадри эди...

Президентимиз Шавкат Мирзиёев фармонида мувофиқ, Ўзбекистон халқ шоираси Ҳалима Худойбердиева 2017 йилда “Эл-юрт ҳурмати” ордени билан тақдирланди. У кундаги шодлиқларимиз, қувончларимизнинг асло чеки кўринмасди.

Биз тенги авлод шоирларининг ижод ва ҳаёт сўмоқларида Ҳалима Худойбердиевадек улкан ижодкор ва қалб соҳибасининг жуда катта ўрни, ўзига хос сабоқлари бор. Биз айни саҳифага жамлаганимиз катта истеъдод мактаби сабоқларидан, мағрур ва меҳридарё ўзбек онасининг, мунис опанинг, рашк ва оташга тўла ошiq аёлининг изтироблари, оғриқлари, тенгсиз шижоати ва ширин хаёлларидан сўзлайди.

“Буюк қушлар” — улуғвор Қақнус куйларидир

Гулноз МЎМИНОВА,
шоира:

— Гулжамол иккимизни Ўзбекистон халқ шоири Ҳалима Худойбердиева ҳузурига илк бор устоз Икром Отамурод бошлаб борган. “Ёзувчи” нашриёти жойлашган чоғроқ хонада XX аср ўзбек шеърятининг уч маликаси — Ҳалима Худойбердиева, Фароғат Камол ва Зебо Мирзо ўтирар экан. Ўша кунга қадар фақат телевизорда кўрганим — катта шоиранинг виқорли қиёфаси аслзода хонимларни эслатар, сўзларни жуда чиroyли, донда-дона талаффуз қиларди.

Дафъатан тирик шоиралар билан учрашиш, боз устига сеvimли уч ижодкор билан рўпарам-рўпара ўтириш ниҳоятда ҳаяжонли эди. Шу боис, нималар ҳақида суҳбатлашганимизни аниқ эслаб қололмаганман. Фақат Ҳалима опам шеър ўқиб беришимизни сўраганлари, навба-ти билан шеърлар айтганимиз, ўзларига маъқул келган мисраларни яна бир қайта сўраб олиб, “бу яхши гап, ҳали айтилмаган гап”, деганлари ёдимда.

Шу кунга қадар Ҳалима опадек мард инсонларни кам учратдим. Дўстлари-ку дўстлари, ғанимлари ҳақида сўз кетганда ҳам ёмон



гапирмасди. Тасаввурга сиғмас даражада иродали эди. Умрининг мотамларида ҳам йиллаганини кўрмадим. Юраги фарзанд доғида ўртанган кўнларда ҳам ўзи шеърга солган Она Арслон каби сокин ва жим эди. Сабру матонати у руҳан эргашган Тўмарису Қурбонжон Дод-хо жасоратидан улги эди.

Забардаст шоиранинг мураккаб ҳаёт йўлини, сермахсул ижоди, ижтимоий фаолияти ҳамда йиллар давомида чоп этилишига интиқ бўлган мисраларини қадимий Қақ-нус афсонасига менгзагим келади.

Ҳалима Худойбердиева ижодини деярли қамраб олган “Буюк қушлар” китоби — узoқ йиллар юрагида исён оловини, бўғзида баралла куйланмай қолган қўшиқларини асраб яшаган улуғвор Қақнус хирмонидир. “Буюк қушлар” деб номланган ушбу назмий хирмоннинг баракаси — муаллиф истеъдодининг юксак даражасидан далолат.

Сўнгги бор устозни вафотидан чамаси бир ойлар аввал “Дугоналар” журнали тахририятида кўрдим. Ҳар доимгидек руҳи тетик, овози уқтам, либослари ярашилми, севиб тақадиган узуклари жой-жойида эди. Чехрасининг тиниқ гулоби рангидан сира хастага ўхшамасди. Гулчехра Нуруллаеванинг “Адабиёт” газетасида чоп этилган бир саҳифа шеърини ўқиб ўтирдик. Саломлашиб, ҳол-аҳвол сўрашгач, газетга ишора қилди:

— Шеърларни кўрдингми?
— Кўрдим, Ҳалима опа.

— Қандай зўр шоирларимиз бор-а. Янги шеърларимни эшитганида: “Шеърларинг менга “Сильва (Кап-тижяни) эслатади”, дерди. Оила-мизга совға қилган китобларига битилган дастхатлар “Sevimli кўнгли шoirларим”, деб бошланади. Илоҳим, устозимизнинг шу сўзларига муносиб бўлиш насиб этсин.

Исмингиз Жасорат эди, аслида...



Гулжамол АСҚАРОВА,
шоира:

— Ҳазрат Навоийнинг “Кўзим, кимдан айрилганини билганимда, бундан ҳам кўп ёш тўқардинг”, маъносидаги сатрлари бор. Сиздан ажралган дунёнинг ўзига қийин эмасми, Ҳалимаи давронсиз ҳам давом этаверадими ҳаёт, деб йилғаялман.

Бетобу бемор пайтларингиз дам онажоним, дам Сизнинг ёнингизда қолиб термулиб ётардим, билдирмай йиллардим. “Худо мени шу азиз чехралардан, онаму устозимдан айирма”, деб нола қилардим, кўз ёшларим ичимга оқарди. Оғриқлардан зада бўлган жисмингизга қараб, ўша 20 йил олдин икковимиз севиб билга ўқиганимиз Радий Физининг “Жалолддин Румий” асарига Ҳазратнинг умри охириларидаги ҳолатига берилган таърифи эслардим: “...Қарийб етмиш йилдирки, тиним нима, шафқат нима билмаган машаққат чекиш, ҳақиқат излашлар иродани тобласа-да, соғлигини совурган, изтироблар ичра қуйиб-қовжирган тани энди айтганига юрмасди”...

Сизда ҳам шу ҳол эди. Жисмингиз айтганингизга юрмай бошлаганди. Ҳассога таянибгина, лекин оқуш каби енгил қадамлар билан қириб келардингиз ишхонага. Ҳассога таянгангизга

хайрон бўлганларга “Мен ҳассамни яхши кўраман”, деб кўярдигиз. Ҳар не зулматдан ҳам нур топа билган Сиздек оқилоу донишманд аёл яна бормикан бу дунёда? Яна Сиздек беназир, буюклик ва камтарлик уйғунлашган, мудом зиддиятлар ичра яшаб, барчасига бардош бериб ўтган одамни қайтиб кўрармикан бу дунё? Ўша чиroyли ҳассангизга суюнибгина бўлса ҳам эшигимиздан қириб келсангиз, қани эди? Қани эди, “Ув, зоҳирга ўч болам сиз, аёнларни кўзлайсиз”, деб бизга айни аҳволимизни англатиб, огоҳлик кўнги-роқларини қалиб турсангиз? Қанийди?

Ўзингиз айтганингиздек, 2017 йил 17 майдаги тантана, меҳнат ва машаққатларингизнинг муносиб баҳоси берилган кун, илоҳий адолат қарор топган кундан олган ғайратингиз билан Сиз толиқкан, хаста жисмингизни ҳам айтганингизга юрдира бошладингиз.

“Файзли оқшом” кўрсатувини суратга олиш жараёни, “Дугоналар” журналининг тақдирот маросими каби тадбирларга кучингизни жамлаб, оғриб турган жисмингизни авайлабгина, лекин ўзингиз айтганингиздек, “минг оҳингиздан бир оҳни ҳам кўрсатмай” жасорат билан келганларингизни эслайман. “Ёнимда тур, узoқ кетма”, деб қаттиқ тайинлардингиз. Сизга дориларингизни узатиб, қозонни очишга ҳам ҳоли келмаётган қўларингизни авайлаш учун, ўқийтган шеър ёки маърузаларингиз бетларини очиб бериш учун доим шай турардим. Баъзан “Устозини қалқон қиляпти”, деганга ўхшаш гапларни эшитиб қулардик. Ҳолимизни билмасдилар, аслиям билмасинлар, билолмасинлар дердик-ку.

Ҳалима опа, иймон қадар покизам! Сизнинг исмингиз аслидаям Жасорат эди, Матонат эди! “Тиззамгача тупроққа ботиб, айтар дардим бор”, дейсиз, лекин шундаям бировга дийдиё қилмай, “ташингиз хиромону ичкарингиз дод” эканини намойиш этмай мағрур яшаб ўтдингиз. Нақадар ҳавасли, нақадар ибратли умр бу! Миллат аёлининг фидойилиги, меҳр ва садоқати, жасоратининг тимсоли бу!



“Турк юкини елкалашай деб...”

Озода БЕКМУРОВОДА,
шоира:

— Ҳалима Худойбердиева деган номни эшитганимда ҳали ўн ёшга ҳам кирмаган эдим. Деҳқонобод туманидаги теварак-атрофи пасту баланд тоғу қирлар билан ўралган эртақмонанд Шакарбулоқ қишлоғида бахшиёна оҳанглари, достонларни, сўз сеҳрини, донишмандлик ила йўғрилган халқ озаки ижодини сеvмаган, адабиётни, шеърятни олқишламаган одамлар кам топилади. Бугун ҳам зўр бахтиёрлик билан эслайдиганим, бетакрор болалигим ўтган ота уйимизнинг лойдан қурилган супасида ёз оиларининг фусункор оқшомларида Ўзбекистон халқ бахшиси Қодир бахши Раҳимов иштирокида уйимизда ҳар ойда 1-2 маротаба достончилик кечалари бўларди. Ушанда Ҳалима

Худойбердиеванинг номи ва шеърлари ҳақида илк бор эшитганман ва онгимга муҳрланиб қолган.

Раҳматли устозим, Кўнгиротнинг оташин куйчиси, чин сўз шоир Ҳусан Эшмуродов улуғ шоира шеърлари ҳақида тўлиб-тошиб кексиз ҳайрат ҳаяжон оғушида сўзлаб берганлари ҳамон ёдимда.

Бир нарсани айтишим кераки, у замонларда адабиётнинг эшигидан мўралаган борки, Ҳалима Худойбердиеванинг шеърят қасрига қараб қаддини ростлаб оларди.

Кейинчалик пойтахтда талабалик рутбасига эришганимдан сўнг илк мақсадим Ҳалима Худойбердиевани юзмаюз кўриш бўлган. “Саодат” журнаliga бир неча маротаба борганман ва у кишини кўролмай қайтиб кетганман. 1993 йил 17 майда уйларига бориш насиб қилган.



Уйлари ёнидан оқиб ўтадиган анҳор бўйлаб қанча шеърхонлик қилганимиз. Бугун ҳам аниқ эслайманки, ёнида ҳаммиша Хожа Аҳмад Яссавий Ҳазратнинг яшил муқовали китоби бўларди ва унинг илҳом манбаи эканлигини



гаплашди. Хурсанд бўлиб “ҳали биргалашиб бир жойларда ўтирамиз, кўнглини яйратиб бир гаплашамиз-а, энг ширин суҳбатларимиз олдинда, қизалоқлар”, деб бизни ҳалим сўзлар билан сийлаб, бир олам табассум, мамнулик ва виқор билан кузатганларини... энди изтироб билан эслайман. Чунки ўзларининг бетоб эканликларини умуман сездирмасликка ҳаракат қилган. Худди соғлом кишидек, бизни хурсанд, мамнун ҳолда кузатган эди.

кўп гапирарди. Мен Ҳалима опада чин шоирга хос ички нафосатни, виқор ва гўзаллики ҳаммиша ҳис қилганман. Ҳаёт синовларига қанчалик дуч келмасан, бирор марта ош-воҳ қилганини эшитмаганман. Ҳақиқаи ички хотиржамлик ва руҳ ҳаловати билан атрофга сокин боқарди. Шеърларидаги самимий инсоний пок туйғу ва фазилатлар — сеvги ва садоқат, меҳр ва муруват тараннуми шеърхон қалбини ҳар қандай ғуборлардан поклайверди.

Буюк шоира бир умр Туркистон қайғусини чекди, то умрининг сўнгига қадар ўзбек хотин-қизларининг орзу-армонларини қўйлаб яшади. Халқимизнинг сеvimли шоири Мухаммад Юсуфга бағишлаган бир шеърда эса шундай сатрлар бор: “Турк юкини елкалашай деб Яссавийнинг ёнига кетди”, деган.

Бугун чин дунёга қўчиб ўтган Туркистоннинг ҳассос дилбанди Ҳалима Худойбердиева ҳам турк юкини елкалаб юрган бўлса, не ажаб...

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока”
газеталари тахририяти” ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Қабулхона: (71) 233-56-33

Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98

E-mail: info@yuz.uz

Веб-сайт: www.yuz.uz; (71) 233-47-05

Тахририятга келган қўлғезмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун бўягани расмийлаштирган ташилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфдик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси — 236. Буюртма Г-546.

Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Авазбек Худойкулов
Мусахҳис: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎЗА якуни — 22:10 Тоширилди — 23:20